

Вилоят ҳокимининг
2014 йил 7 январдаги
№ _____ -сон қарорига
3-илова

**Шаҳар йўловчи транспортдан имтиёзли (бепул) фойдаланувчилар
рўйхати**

1. 1941-1945 йиллардаги уруш катнашчилари жумласидан бўлмиш ҳарбий хизматчилар.
2. 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва урушнинг I гуруҳ ногиронига ҳамроҳлик қилувчи шахс.
3. 1941-1945 йиллардаги уруш даврида фронт ортида фидокорона меҳнати ва бенуксон ҳарбий хизмати учун орден ва медаллар билан тақдирланган шахслар.
4. Афғонистон Республикасида ва бошқа мамлакатларнинг худудидаги жанговар ҳаракатларда катнашган собиқ байналмилалчи жангчилар жумласидан бўлмиш фуқаролар.
5. Ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар ва контракт бўйича оддий аскарлар ҳамда сержантлар таркибидаги ҳарбий хизматчилар.
6. Чернобиль АЭС ҳалокати оқибатида нурланиш касаллигига чалинган ва уни бошдан кечирган шахслар.
7. Кўзи ожиз ногиронлар ва кўзи ожиз ногиронга ҳамроҳлик қилувчи шахс.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ХОРАЗМ VILOYATI
ҲОКИМИ
ҚАРОРИ



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
XORAZM VILOYATI
HOKIMI
QARORI

« 07 » ЯНВАРЬ 2014 йил

Урганч ш.

№ _____

Нусха № 2

**“Урганч - Хива” троллейбус йўналишида йўловчилар ва багаж ташиш
ҳақини белгилаш тўғрисида**

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги ва “Шаҳар йўловчи транспортдан бепул фойдаланишни тартига солиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги 482-сон қарори билан тасдиқланган “Автомобиль транспортда йўловчилар ва багаж ташиш” қоидаларига, “Шаҳарда ва шаҳар атрофига қатнайдиغان йўловчи ташиш транспорти хизматларининг тарифлари тўғрисида”ги 1994 йил 8 сентябрдаги 455-сон қарорига асосан, “Урганч-Хива” ва шаҳар ички йўналиши бўйича қатнайдиغان троллейбус йўловчи ташиш транспорти хизматлари харажатларининг нархи ошганлиги муносабати билан ҳамда “Хоразм Троллейбус бошқармаси” унитар корхонасининг аҳолига транспорт хизмати кўрсатишининг аҳволи учун жавобгарлигини ошириш, троллейбусларининг барқарор ишлаши ва аҳолига сифатли транспорт хизмати кўрсатилишини ва йўловчи ташиш хизматларига тарифларни асосли шакллантириш мақсадида.

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. “Урганч - Хива” йўналишида қатнаётган троллейбусда йўловчилар ва багаж ташиш ҳақи 1-иловага мувофиқ белгилансин.
- Қайд қилинсинки, шаҳар атрофи йўналишида ҳар бир йўловчи учун бекатлараро йўловчи ва багаж ташиш ҳақи белгиланган тариф жадвали бўйича олинади.
2. Мазкур йўналишда қўл юки ва багаж ташиш тартиби 2-иловага мувофиқ амалга оширилади.
3. Троллейбус йўловчи транспортдан имтиёзли (бепул) фойдаланувчилар рўйхати 3-иловага асосан белгилансин.
4. Ушбу қарор қабул қилиниши билан Хоразм вилояти ҳокимининг “Урганч - Хива” троллейбус йўналишида йўловчилар ва багаж ташиш ҳақини белгилаш тўғрисида” 2012 йил 27 июндаги 166к-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
5. Мазкур қарор Хоразм вилояти ҳокимлигининг “Хоразм ҳақиқати” ва “Хорезмская правда” газеталарида эълон қилинсин.
7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Хўжаниёзова ва вилоят ҳокимининг ўринбосари Р.Рўзметовлар зиммаларига юклансин.

Вилоят ҳокими

П.Бобожонов

Вилоят ҳокимининг
2014 йил 07 январдаги
КР -сон қарорига
1-илова

**“Урганч - Хива” йўналишида қатнаётган троллейбусда йўловчилар
ва багаж ташиш ҳақи**

1. Йўловчилар ташиш ҳақи

Шаҳар ичи йўналишида	-	500 сўм
“Урганч -Хива” (бир томонга)	-	1000 сўм

2. Багаж ташиш ҳақи

Шаҳар ичи йўналишида	-	500 сўм
“Урганч-Хива” (бир томонга)	-	1000 сўм

Вилоят ҳокимининг
2014 йил 07 январдаги
КР -сон қарорига
2-илова

**“Урганч - Хива” троллейбус йўналишида қўл юки ва багажни ташиш
ҚОИДАЛАРИ**

1. Йўловчи ҳажми 60 см х 40 см х 20 см ва оғирлиги 20 килограммдан ортиқ бўлмаган қўл юки ҳамда мусика асбобини, 150 сантиметргача узунликдаги буюмларни, шунингдек қафасга солинган майда хайвонлар ва паррандаларни, аравачани (болалар, ногиронлар ва бошқаларнинг аравачаларини), майда боғдорчилик инвентари, болалар каналарини ўзи билан бирга бепул олиб юриш ҳуқуқига эга.
2. Ҳажми 60 см х 40 см х 20 сантиметрдан 100 см х 50 см х 30 сантиметргача бўлган ва узунлиги 150 сантиметрдан 200 сантиметргача бўлган буюмларни, шунингдек, ўлчамидан қатъий назар, оғирлиги 20 килограммдан ортиқ бўлган багажни олиб юриш тарифга мувофиқ ҳақ тўлаган ҳолда амалга оширилади.
3. Ўлчами 2-бандда кўрсатилган энг катта ҳажмларнинг ҳатто биттасидан ортиқ бўлган багаж белгиланган параметрларга номувофиқ ҳисобланади.
4. Багажнинг жойланиши ва ташилиши йўловчиларга ва автотранспорт воситасига бирон-бир зарар етказиш имкониятини тўлиқ истисно қилиши керак.
5. Багажни олиб юриш қиймати йўловчининг йўл ҳақи қиймати каби тартибда белгиланади.